

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИКИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТАВАШАРОВ БАҲОДИР НАЗАРОВИЧ

**ИНГИЧКА ИЧАКНИНГ АЛЛОКСАН ДИАБЕТ ШАРОИТИДА
ПЕСТИЦИДЛАР БИЛАН ЗАҲАРЛАНГАНДА МОРФОЛОГИК
ТАВСИФИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тавашаров Баходир Назарович

Ингичка ичакнинг аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан
заҳарланганда морфологик тавсифи 3

Тавашаров Баходир Назарович

Морфологическая характеристика тонкой кишки при интоксикации
пестицидами на фоне аллоксанового диабета 19

Tavasharov Bahodir Nazarovich

Morphological characteristics of the small intestine with pesticide
intoxication against alloxan diabetes 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИКИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТАВАШАРОВ БАҲОДИР НАЗАРОВИЧ

**ИНГИЧКА ИЧАКНИНГ АЛЛОКСАН ДИАБЕТ ШАРОИТИДА
ПЕСТИЦИДЛАР БИЛАН ЗАҲАРЛАНГАНДА МОРФОЛОГИК
ТАВСИФИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib836 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сағатов Туляган Ағзамович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Шавкат Махмудович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Тўхтаев Қодир Раҳимович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро Давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашининг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: +99871 150-78-25.)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж. Эрматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Ф.Х.Азизова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда аҳолининг экологик саломатлигини муҳофаза қилиш жаҳон миқёсидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Атроф муҳитни заҳарловчи моддаларнинг аксарият қисмини пестицидлар ташкил этади, шу билан бирга, уларсиз қишлоқ хўжалигининг истиқболли ривожланишини тасаввур қилиб бўлмайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...дунёда йилига 500 мингдан 2 миллионгача одамлар пестицидлар билан заҳарланади, уларнинг 40 минг нафарида ўлим билан тугаш қайд этилган...»¹. Ҳозирги кунда фосфорорганик ва хлорорганик пестицидларнинг ишлатилиши тақиқланган ёки чекланган, улар пиретроидлар, пиразоллар ва бошқа синфларга мансуб бўлган пестицидлар билан алмаштирилмоқда. Уларнинг афзаллиги одам ва ҳайвонлар учун заҳарлилик даражаси нисбатан паст ҳамда кичик дозаларда қўлланилганда ҳам зараркундаларга қарши юқори самарадорлиги аниқланган. Дунё қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш мақсадида пестицидлар ишлатилганда, улар келтириб чиқарадиган салбий асоратларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ингичка ичак пестицидлар билан заҳарланганда унинг морфологик ҳолатини ўрганишга йўналтирилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалигида пестицидлар қўллашнинг гигиеник тавсифини, атроф муҳит объектларининг ифлосланиш даражасини динамикада баҳолаш, инсонлар организмига пестицидлар таъсирининг миқдорий даражасини ўрганиш ва қўллаш усуллари баҳолаш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Турли таъсир доирасига эга пестицидларни бир марта ва $\frac{1}{2}$ LD₅₀ кўп марта дозада ингичка ичак ичига юборилганда заҳарланиш характери лаборатор ҳайвонларнинг ингичка ичаги гемомикроциркулятор ўзани ва тўқималаридаги морфологик хусусиятларини баҳолаш ҳамда аллоксан диабет (АД) шароитида акарицид ва инсектицидлар билан ўткир ва сурункали заҳарланганда ингичка ичакнинг тўқима тузилмаси ва гемоциркулятор ўзанига нисбатан таъсирининг олдини олишга қаратилган усуллар ишлаб чиқиш тиббиётда ечими топилиши талаб этилаётган жиддий муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон талабларига мослаштириш, пестицидлардан заҳарланиш натижасида юзага келадиган аъзо ва тўқималардаги морфологик тузилмаларнинг патологик бузилишининг олдини олиш ва сурункали касалликларни камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли Фармонида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва

¹ЖССТ Европа регионида асосий саломатлик кўрсаткичлари ЖССТ, 2014 йил.

касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши аҳоли орасида пестицидлардан заҳарланиш натижасида юзага келадиган сурункали касалликларни камайтириш, ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали заҳарланиш асоратлари натижасидаги ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатларида пестицидларнинг одам организмига таъсирини ўрганиш бўйича кўпгина тадқиқотлар олиб борилган (Yu S., Tang S., G.Mayer, 2015; A.Laborde, F.Tomasina, F.Bianchi ва бошқалар, 2015). Юқори ҳарорат таъсир этиши турли аъзо ва тизимларнинг функционал имкониятларини белгилаб берувчи омиллардан бири саналади (Т.А.Аскарлов, 2004; З.С.Камалов, А.А.Тутунджан, Н.Т.Алимбабаева, П.Мирҳамидов ва бошқ., 2006; E.Hodgson, 2007). Ҳозирги кунда дунё қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлланилаётган заҳарли кимёвий моддалар хажмининг ортиш тенденцияси сақланиб турибди, бунда уларнинг сифати доимий равишда такомиллашмоқда. Атроф муҳит объектларида парчалануш даври қисқа бўлиб, ўсимликларда тўлиқ парчаланувчи препаратлар синтез қилинмоқда (Ж.К.Албегова, 2011; Т.А.Агзамов, 2012; Д.Б.Абдурахмонова, 2013; Н.У.Абдукаримова, 2016). Шу билан бир вақтда, пестицидларни қўллашда уларнинг ҳайвонлар ва инсонларга кўрсатадиган таъсири бўйича хавфсизлик масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Пестицидлар қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг қўлланилмоқда, табиийки, улар билан аҳолининг барча қатлам вакиллари, жумладан, турли соматик касалликлардан азият чекувчи аҳоли ҳам мулоқотда бўлади (А.Г.Ахмедов, 2014; А.В.Анучина, 2019; В.Н.Байматов, 2019). Маълумки, турли патоген омилларнинг, жумладан, пестицидларнинг зарарли таъсири ҳақида энг кўп маълумот берувчи кўрсаткич – аъзонинг гемомикроциркулятор ўзани морфофункционал ҳолати ҳисобланади, чунки гемомикроциркулятор ўзанининг морфологик ҳолатидаги ўзгаришлар, даражаси ва

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли Фармони.

чуқурлиги, патологик жараённинг ривожланиш якуини белгилаб беради. Бундан келиб чиқадики, меъда-ичак тизими (МИТ) аъзолари, жумладан, ингичка ичакларга қандли диабет касаллиги шароитида пестицидларнинг таъсири бўйича морфологик тадқиқотларнинг ҳар қандай маълумотлари катта амалий аҳамиятга эга ва булар мақсадли илмий асосланган профилактик ҳамда даволаш чоратадбирларини ишлаб чиқишга асос бўлади (Гулям Сарвар 1992; Л.В. Громова 2019).

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ишлатилган пестицидлар салбий таъсирининг олдини олиш, улардан заҳарланишларни бартараф этиш, инсон организмнинг номақбул омиллар таъсирига чидамлилиги, пестицидлар таъсири натижасида юзага келадиган метаболит жараёнларнинг бузилиш механизмларини баҳолаш ва патогенетик даволаш усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган (Т.И.Искандаров, 2005, 2018; Э.А.Турсунов, 2014; С.М.Ахмедова, 2016; У.М.Миршарапов, 2016; М.А.Хамракулова, 2016; С.М.Ахмедова, 2017; Н.Б.Закирова, 2018; Д.Б.Адилбекова, 2018). Бироқ, аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан ўткир ва сурункали заҳарланиш ингичка ичакнинг морфологик кўрсаткичларига таъсири ҳозирги кунга қадар тўлиқ ўрганилмаган. Бундан ташқари, мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда ҳудудимизга хос шароитда пестицидларнинг инсон организми ва ингичка ичак тизимига таъсири етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режаси №01.070073 «Аъзолар ва аъзолар тизими постнатал тараққиётига аллоксан диабет ва бошқа зарарли омиллар таъсири структур асослари ва механизмини ўрганиш» (2014-2018 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан заҳарланишда ингичка ичакнинг тўқима ва гемомикроциркулятор ўзани қон томирлари морфологик ўзгаришларини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тажриба ҳайвонлари ингичка ичагининг гемомикроциркулятор ўзани қон томирлари ва тўқима тузилмалари бирлигининг морфологик хусусиятларини баҳолаш;

аллоксан диабет шароитида акарицид «Омайт-57Э» ва инсектицид «Суми-альфа» билан ўткир заҳарланишда ингичка ичак тўқима тузилмаси ва гемомикроциркулятор ўзан қон томирлари морфологик ҳолатини баҳолаш;

аллоксан диабет шароитида акарицид «Омайт-57Э» ва инсектицид «Суми-альфа» билан сурункали заҳарланишда ингичка ичакнинг тўқима тузилиши ва гемомикроциркулятор ўзан қон томирлари морфологик ҳолатини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 3, 7, 14, 30, 60 ва 90 кунлик 231 та каламушлар олинди. Каламушлар 3 та тажриба гуруҳларига бўлинди. Биринчи гуруҳга 36 та интакт урғочи каламушлар; иккинчи гуруҳга 95 та жинсий етилган урғочи каламушлар, уларнинг аллоксан диабет (АД) шароитида гемомикроциркулятор ўзан қон томирлари ва ингичка ичакнинг тўқима

элементларига «Омайт-57Э» ва «Суми-альфа» пестицидларининг ўткир таъсири; учинчи гуруҳда 100 та тажриба ҳайвонларида пестицидлар билан АД шароитида сурункали захарланишдаги морфологик ўзгаришлари баҳоланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тажриба каламушлар ингичка ичаги (ўн икки бармоқли ичак, оч ичак, ёнбош ичак) олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда морфологик, морфометрик, электрон-трансмиссион микроскопик, шунингдек, гистологик ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

макро-микро-ультрамикроскопик ва морфометрик усулларни қўллаган ҳолда илк маротаба аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан ўткир ва сурункали захарланишда каламушлар ингичка ичагининг тўқима тузилмаси ҳамда микроциркулятор ўзани қон томирлари морфологик ҳолати кўрсаткичлари асосланган;

тажрибанинг эрта босқичида аллоксан диабет шароитида пестицидларнинг ўткир таъсири натижасида ингичка ичак девори тўқима тузилмалари ва гемомикроциркулятор қон томирлар ўзани тизимида яллиғланиш-деструктив ўзгаришларнинг ривожланиши тўқималарнинг атрофик ўзгаришларга олиб келиши исботланган;

ингичка ичак девори барча қаватларининг, айниқса, ўн икки бармоқли ичак (ЎИБИ)нинг шиллиқ қаватларини морфометрик кўрсаткичлари камайиб бориши, аъзо ички қон томирлари эгри-бугрилиги, қон томирлар бўшлиғи диаметри, қон томирлар тақсимланиши зичлигининг камайиши асосланган. «Омайт-57Э» пестициди билан захарланишда ингичка ичак девори тўқима тузилмаси ва гемомикроциркулятор қон томирлар ўзанининг қайта тикланиш жараёнлари, «Суми-альфа» пестициди билан захарланишга нисбатан тезроқ юзага чиқиши, «Суми-альфа» билан захарланишда қайта тикланиш жараёнлари нисбатан секинлашганлиги асосланган;

аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан сурункали захарланишда ингичка ичак девори барча қаватлари, айниқса, шиллиқ қаватларидаги атрофик ва дисциркулятор ўзгаришлар сезиларли даражада тез ривожланиб, кеч муддатларда ўзининг энг юқори чўққисига етиб, амалий жиҳатдан қайта тикланиш мойиллигига эга бўлмаслиги исботланган;

ичак деворининг барча қаватлари микро-қон томирларида склеротик ва деструктив жараёнлар устунлиги, қон томирларида «томирсиз» соҳалар сонининг ортиши, шиллиқ қаватларда бир майдон бирлигида қон томирлар сонининг камайиши ва ингичка ичак деворида атрофик жараёнларнинг ривожланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан ўткир ва сурункали захарланишда ингичка ичакнинг шикастланиш патогенези механизмларини янги нуқтаи назардан кўриб чиқиш патоморфологик бузилишларнинг олдини олиш ва мақсадли, илмий асосланган патогенетик даволаш усуллари ишлаб чиқишга имкон берган;

ўрганилган пестицидлар орасида яққол макро ва микроангиопатик таъсир «Суми-альфа» инсектицидида намоён бўлди, бу қандли диабет билан касалланган

беморлар организмида турли даражада намоён бўлган пестицидлар таъсирининг аниқ хавфини башорат қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилган;

аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан ўткир захарланиш сабабли ингичка ичак қон томирларида яққол намоён бўлган патологик бузилишлар ингичка ичак девори тўқима тузилмаси атрофиясига олиб келиши асосланган;

аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан сурункали захарланиш натижасида ингичка ичакнинг девори барча қаватлари, айниқса, шиллик қаватларида атрофик, қон томирларида эса патоморфологик ўзгаришлар қайд этилган;

аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан ўткир ва сурункали захарланишда микро-қон томирлар ва тўқима тузилмаларида юзага келадиган патологик ўзгаришлар проксимал-дистал градиент йўналиш (яъни, у ЎИБИ ва оч ичакда яққол намоён бўлди) ҳамда стереотип характерга эга бўлди, бу ўзгаришлар, айниқса, «Суми-альфа» пестицидлари билан захарланишда яққол намоён бўлиши қайд этилган;

олинган натижалар санитар-гигиеник ва токсикологик илмий-тадқиқот лабораториялар амалиётига тавсия этилиши ҳамда тиббиёт институтларининг «анатомия», «гистология», «патологик анатомия», «токсикология» кафедраларида «меъда-ичак тракти», «юрак-қон томир тизими», «эндокрин тизим» бўлимлари бўйича маъруза, амалий машғулотлар ўтишда, ўқув жараёнларида қўлланилиши мумкинлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи экспериментал, морфологик, морфометрик, ультрамикроскопик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, пестицидлар билан ўткир ва сурункали захарланишларда ингичка ичакдаги морфологик кўрсаткичларни баҳолаш тартиби, халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг аҳамияти турли хил пестицидлар билан ўткир ва сурункали захарланишлар олинган илмий натижалар назарий билимлар даражасини кенгайтириш имконини беради. Бу натижалар тиббий илмий фаолиятнинг турли соҳаларида қўлланилиши мумкинлиги изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли тажриба шароитларида аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан ўткир ва сурункали захарланишларда ингичка ичак девори гемомикроциркулятор қон томирлардаги морфологик ва морфометрик кўрсаткичлардаги ўзгаришлар, турли патологик ҳолатлар ривожланишининг олдини олиш учун профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан захарланганда ингичка ичак морфологик тавсифини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Аллоксан диабет шароитида пестицидлар таъсирида ингичка ичак девори тузилмалари бузилишини ташхислаш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 31 октябрдаги 8н-д/250-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ингичка ичакнинг аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан заҳарланганда гемомикроциркулятор қон томирлар ўзани ва тўқима тузилмасидаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш ва профилактик чоралар ишлаб чиқиш имконини берган.

«Пестицидларининг таъсирида аллоксан диабет шароитида ингичка ичак гемомикроциркулятор ўзани зарарланишини баҳолаш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 31 октябрдаги 8н-д/250-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан заҳарланганда ингичка ичак гемомикроциркулятор ўзани қон томирлари ва тўқима тузилмаларидаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш ҳамда профилактик даво чораларини ишлаб чиқиш имконини берган;

аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан заҳарланганда ингичка ичак морфологик тавсифи бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси олий таълим муассасалариаро илмий текшириш лабораторияси, Тошкент фармацевтика институти марказий тадқиқот лабораториясининг фундаментал тадқиқот амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 ноябрдаги 8 н-з/179-сон хулосаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан ўткир ва сурункали заҳарланишларда ингичка ичак тўқима ва қон томирларидаги ўзгаришларни морфологик кўрсаткичлар билан асослаш ва пестицидлар миқдорини меъёрлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объектлари, предмети ифодаланган, тадқиқотнинг мамлакатимиз фани ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий

аҳамияти очиб берилган, олинган маълумотларнинг ишончилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Пестицидларнинг инсон организмига таъсирини морфологик асослашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида пестицидларнинг ўрни ва аҳамияти хорижий ҳамда маҳаллий адабиётлар манбалари билан талқин қилинган. Пестицидларнинг ўткир ва сурункали захарлашларида ингичка ичакнинг аллоксан диабет шароитида морфологик ўзгаришлари ёритилган. Тавсия этилаётган профилактика усуллари, уларнинг натижалари, афзаллик ва камчиликлари баён этилган.

Диссертациянинг **«Ингичка ичакнинг аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан захарланганда морфологик кўрсаткичларини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида қўйилган муаммонинг ечимини таъминлайдиган услубий ёндашув ва усуллар келтирилган. Қўйилган вазифаларга мос ҳолда одатий виварий шароитида бўлган, тана оғирлиги 120-150 граммни ташкил этган, 231 та лаборатор оқ урғочи каламушлари хизмат қилди. Барча ҳайвонлар уч гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳга 36 та интакт урғочи каламушлар киритилди. Иккинчи гуруҳга 95 та жинсий етилган урғочи каламушлар киритилган бўлиб, уларнинг аллоксан диабетини касаллиги шароитида микроциркулятор ўзан қон томирлари ва ингичка ичак девори тўқима тузилмаларига «Омайт-57Э» ва «Суми-альфа» пестицидларининг ўткир таъсири ўрганилди. Учинчи гуруҳдаги 100 та лаборатория ҳайвонларида юқорида номлари келтириб ўтилган пестицидларни АД шароитида сурункали захарланишлардаги морфологик ҳолатлари ўрганилди.

Тажриба ўтказишдан олдин ҳайвонлар яхшилаб кўриқдан ўтказилди, уларнинг умумий ҳолати назорат қилинди. Ўткир захарланишдан олдин карантин муддатлари 7 кун, сурункалида 14 кун бўлиб, бу Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Янги пестицидларни комплекс баҳолаш бўйича услубий кўрсатмалар»ига мос ҳолда ташкил этилди. Кузатиш муддатлари пестицидлар билан захарлаш тугагандан сўнг 3, 7, 15, 30, 60 ва 90 кунни ташкил этди.

Ингичка ичак ички қон томирларини текшириш учун Х.Х.Камилов модификацияси асосида кўкрак аортаси орқали Герот массаси томирларни транскәпилляр инъекцияси усули қўлланилди. Сўнгра органокомплекс 5 кун ва ундан ортиқ кунларда нейтрал формалиннинг 10%ли эритмасида фиксация қилинди. Томирларни тадқиқ қилиш учун ўн икки бармоқли ичак (ЎИБИ), оч ичак, ёнбош ичак қисмларининг кўндаланг кесмаси олинди, улар эса А.М.Малигиннинг тезкор усуллари бўйича ортиб борувчи концентрациядаги спиртли эритмалардан ўтказилди.

Қалинлиги 60-120 мкм. бўлган циркуляр кесмалар бальзамга солинди. Шунингдек, В.В.Куприянов усули бўйича ингичка ичакнинг турли қатламларини кумуш нитрат билан импрегнацияси ўтказилди.

Кумуш нитрат билан импрегнация қилишни бошлашдан аввал ингичка ичак бўлакчаси, унинг қоплама материали нейтрал формалиннинг 12%ли эритмасида фиксация қилинди (7 сутка давомида). Мазкур аъзонинг фиксация қилинган бўлакчаларидан қалинлиги 10-20 мкм. бўлган музлатувчи микротомларда кесмалар тайёрланди. Кумуш нитрат билан импрегнациянинг

ўтказмаларидан олинган кесмалари, қоплама материалларни спирт, карбол-кислота воситасида сувсизлантирилди, сўнгра бальзамга солиб қўйилди.

Умумморфологик тадқиқотлар учун ингичка ичакнинг учта (ЎИБИ, оч ичак, ёнбош ичак) қисмларидан олинган тўқима бўлақчалари формалиннинг 10%ли нейтрал эритмаси, Карнау суюқлигида фиксация қилинди. Мос бўлган ўтказмалардан сўнг материаллар парафинга қуюлди, қалинлиги 4-6 мкм. бўлган кесмалар парафиндан тозалангандан сўнг қатъий тартибли ориентацияга риоя қилинган ҳолда морфологик ва морфометрик тадқиқотлар учун гематоксилин-эозин билан бўялган.

Электрон микроскоп учун каламушлар ингичка ичагининг турли бўлимларидан олинган шиллиқ қават намуналари, глутар-альдегиднинг 1%ли буферланган эритмасида фиксация қилинди, дофинкация эса 4⁰ С ҳароратда (рН 7,3-7,5), 1,5-2 соат давомида осмий тўрт оксидининг (OsO₄) 1%ли эритмаси билан ўтказилди. Ортиб борувчи концентратли спиртларда сувсизлантирилгандан кейин аъзо бўлақчалари эпонаралдитли аралашмага қуюлди. Уранилацетат ва қўрғошин нитрат билан кескин ажратилгандан сўнг ультра ингичка кесмалар «Хитачи Н-600» (Япония) электрон микроскоплари ёрдамида кўриб чиқилди. Сканирловчи электрон микроскоп учун ингичка ичак томирлари полимеризацияланган метакрилат билан тўлдирилди, сўнгра IV-3 тўлдирувчисида юпка олтин қавати билан чанглатилгандан кейин коррозия ҳосилалар S-405 электрон микроскопи ёрдамида ўрганилди.

Морфометрик усулда МБР-1-1,5х окуляр-микрометр ёрдамида ингичка ичакнинг учта бўлими шиллиқ қават қалинликлари ва ЎИБИ, оч ичак, ёнбош ичак томирларининг диаметри ўлчанди, 1 мм² даги микро-қон томирларнинг тарқалиш умумий ва нисбий зичлиги аниқланди.

Аллоксан фосфат-цитрат билан биргаликда буферда меъда ости безининг β-ҳужайраларига танлаб таъсир кўрсатади. Илмий адабиётлар маълумотлари шундан гувоҳлик берадики, АД худди инсулинга боғлиқ бўлган қандли диабет (ИББКД)нинг I типи каби баҳоланади. Модел аллоксанни фосфат-цитрат буферини 11мг/100 г. оғирлиги нисбатида тажриба ҳайвонларининг 100 грамм оғирлигига нисбатида 1,0 мл. ҳисоб бўйича қоринга бир марта киритиш орқали олинди. Эмиссиянинг мавжудлигини глюкооксидан усули билан аниқланди: бунда қондаги қанд миқдори 6.5-10,5 ммоль/л. ни ташкил этди.

Олинган маълумотлар ЭХМда Microsoft Office Excel-2007 дастури тўплами ёрдамида статистик ишланган. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланилган (Л.А.Пономарёва Б.М.Маматкулов, 2004).

Диссертациянинг «**Тажриба каламушлари ингичка ичагининг гемомикроциркуляр ўзани қон томирлари ва тўқима тузилмалари морфологик тавсифи**» деб номланган учинчи бобида ингичка ичак тўқима тузилмаси ва гемомикроциркуляр ўзан кўрсаткичлари келтирилган. Сероз парда бир қаватли эпителиал ҳужайралардан ташкил топган. Мушак қават эса ички циркуляр ва ташқи кўндаланг қаватлардан иборат бўлади. Қаватлар ўртасида юмшоқ, ғовакли бириктирувчи тўқима жойлашган бўлиб, унда мушаклараро майда томирли чигал ҳосил қилувчи асаб тугунлари ва томирлар чигалидан таркиб топган бўлади.


Сероз парданинг қалинлиги ингичка ичакнинг барча бўлимларида ўртача $9,5 \pm 0,12$ мкм. ни ташкил этади. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, ЎИБИ сероз-мушак қаватининг қалинлиги ўртача $122,5 \pm 6,12$ мкм.ни, оч ичакда $115,0 \pm 6,25$ мкм. ва ёнбош ичакда эса $110,0 \pm 4,10$ мкм.ни ташкил этади.

Ингичка ичакнинг қон билан таъминланиши ингичка ичакка 30-45 та тармоқланиши билан юзага келадиган қорин ва ичак тўтқичи артериялари томонидан амалга оширилади.


ЎИБИ капиллярлар бўшлиғи диаметри $5,0 \pm 0,06$ мкм., оч ичакда $4,75 \pm 0,05$ мкм., ёнбош ичакда эса $4,65 \pm 0,06$ мкм. ни ташкил этади. Капиллярларнинг қўшилиши натижасида мушаклараро қават соҳасида посткапиллярлар ҳосил бўлади, шиллиқ ости қаватида венулалар аниқланади.

Диссертациянинг «Аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан ўткир захарланишда ингичка ичак гемомикроциркулятор ўзани қон томирлари ва тўқима тузилмасининг морфологик ҳолати» деб номланган тўртинчи боби ўз навбатида 4 бўлимдан ташкил топган.

Аллоксан диабет шароитида «Омайт-57Э» пестициди билан ўткир захарланишда ингичка ичак тўқима тузилмаларининг морфологик тавсифи. АД шароитида «Омайт-57Э» билан ўткир захарланишда тажрибанинг илк муддатларида ҳам ингичка ичакнинг бутун узунаси бўйлаб ичак девори тўқима тузилмалари инфилтрацияси ва хужайралараро шиш кўринишидаги яллиғланиш-деструктив ўзгаришлари кузатилди (1-расмга қаранг). «Омайт-57Э» билан захарланишнинг 30-60 кунда деструктив ва атрофик ўзгаришлар чуқурлашди, ворсинкаларнинг баландлиги пасайди, эпителиал хужайралар сони камайди (2-расмга қаранг).



1-расм Аллоксан диабет шароитида «Омайт-57Э» пестициди билан захарланишнинг 3-куни. Оч ичак шиллиқ қавати ворсинкалар стромаси шишган, мононуклеар хужайралар билан инфилтрацияланган. Бўёк: Г-Э.
X:10x20.



2-расм. Аллоксан диабет шароитида «Омайт-57Э» пестициди билан ўткир захарланишдан кейинги 90- кун. Ворсинкалар камайган, баъзи жойларда ворсинкаларнинг апикал қисмида энтероцитлар десквамацияси. Бўёк: Г-Э.
X:7x9.

Тадқиқотлар охирига келиб, ичакнинг барча қаватларида, айниқса, шиллиқ қаватларда атрофия жараёнлари ривожланди. Бироқ, баъзи жойларда қисман қайта тикланиш жараёнларининг ривожланиши қайд этилди. Бундай зоналарда шиш ва инфилтрация пасайди, ворсинкалар ва крипталар одатий шаклга эга

бўлди, уларнинг морфометрик параметрлари эса назорат гуруҳи кўрсаткичларига биров яқинлашди.

Аллоксан диабет шароитида «Суми-альфа» пестициди билан ўткир захарланишда ингичка ичак тўқималарининг морфологик ҳолати.

Аллоксан диабет шароитида «Суми-альфа» пестициди билан захарланишнинг эрта даврида (3-15 кундан сўнг) ингичка ичакнинг барча қаватлари тўқима тузилма элементларида яққол намоён бўлган яллиғланиш-деструктив ўзгаришлар кузатилди.

Барча қаватларда диффуз плазмо-лимфоцитар инфильтрация ва тўқима тузилмаларининг шиши, ҳужайралараро шиш қайд этилди.

Кейинги муддатларда (60-90 кунлар) яллиғланиш жараёнларининг пасайиши шароитида, баъзи жойларда тўқима ҳужайра тузилмасида атрофик ўзгаришлар акс этган соҳалар учради. Бу патоморфологик ўзгаришлар тадқиқотнинг сўнгги муддатларигача кузатилди.

Янада кечроқ муддатларда ичак деворнинг барча қаватлари морфометрик кўрсаткичлари сезиларли камайиши кузатилиб, бу ЎИБИ ва оч ичак қисмларида янада яққолроқ намоён бўлди. Бу билан бир қаторда, эпителиал, қадахсимон ва митотик бўлинувчи ҳужайралар сонининг камайиши аниқланди. Ворсинкалар узунлиги ва крипталарнинг чуқурлиги назорат гуруҳи параметрларидан фарқли равишда сезиларли камайди.

Аллоксанли диабет шароитида «Омайт-57Э» пестициди билан ўткир захарланишда ингичка ичак гемомикроциркуляр ўзани қон томирларидаги морфологик ўзгаришлар динамикаси.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, кузатишларнинг кечки муддатларида (30-60 кун) шиш ва инфильтрация жараёнлари билан бир қаторда ингичка ичак девори тўқима тузилмаларида атрофик ўзгаришлар жараёнлари қайд этилди (айниқса, ЎИБИ, оч ичак қисмларида). Ворсинкалар баландлигининг пасайиши ривожланди ва унга мос ҳолда ворсинкалар ва крипталар стромасидаги капиллярлар сони ҳам ўзгарди. Микроқонтомирлар девори сезиларли даражада қалинлашди, бу прекапиллярлар бўшлиқлари диаметри торайишига олиб келди. Қайд этилган экстравазатлар, «кам» ва «томирсиз» соҳалар, шубҳасиз, ингичка ичак девори тўқима тузилмаларида атрофия жараёнлари ривожланишининг асл сабабчиси бўлиб ҳисобланади.


Тажрибаларнинг 60-кунда гемомикроциркуляр ўзан қон томирлари ичакнинг барча қаватлари, тўқима тузилмалари айнақса шиллик қаватларда атрофик ўзгаришлар ривожланди. Ингичка ичакнинг барча бўлимларида шиллик қавати ворсинкалари баландлиги пасайди ва турли шаклга эга бўлди; шуларга мос ҳолда микроқонтомирлар тарқалиш зичлиги камайди, нуқтали экстравазатли соҳалар учради.

Таъкидлаш лозимки, тажрибанинг сўнгги муддатларида атрофик ўзгаришлар янада жадал ривожланди: томирлар тарқалиш зичлиги сезиларли даражада камайди, артериолалар ва прекапиллярлар девори қалинлашди. Ворсинка ва крипталар энтероцитларининг десквамацияси кузатилди. Ингичка ичак деворининг атрофияси тўқима ҳужайра элементларининг миқдор ва сифат ўзгаришларига олиб келди.


Аллоксан диабет шароитида «Суми-альфа» инсектициди билан ўткир захарланишида ингичка ичак гемомикроциркуляр ўзан қон томирлари морфологик ҳолати. «Суми-альфа» пестициди билан ўткир захарланишида ингичка ичакнинг барча қаватлари қон-томир бўшлиғи диаметрларининг кенгайиши (3 дан 15 кунгача) ва тўлақонлилик қайд этилди. Сероз-мушак қаватидаги прекапиллярлар қонга тўлган ва эгри-бугри ҳолда жойлашган. Шаклли элементларни чиқиши билан микроқонтомирлар девори ўтказувчанлигининг ортиши, «экстравазатлар» ва томирсиз соҳалар қайд этилди.

Тажрибанинг кейинги (15-30 кун) муддатларида ингичка ичакнинг барча бўлимлари девори микроқонтомирларида бир қатор ўзгаришлар кузатилди. Артериал томирларининг сезиларли торайиши (ёнбош ичак, артериол ва прекапилляр), капиллярли стаз ва посткапилляр ва венуларнинг варикоз кенгайиши қайд этилди. Бу шиллиқ қаватнинг алоҳида соҳаларида атрофик ўзгаришига сабаб бўлди. Тажрибанинг 60-90 кунидан мазкур жараёнлар жадал ривожланди.

Микроциркуляр ўзан қон томирларининг тарқалиш зичлиги барча қаватларда, айниқса, шиллиқ қаватда сезиларли камайган. «Кам» ва «томирсиз» соҳалар, нуқтали экстравазатлар кузатилди. Шундай қилиб, диабет шароитидаги «Суми-альфа» пестицидининг LD₅₀ ½ дозадаги миқдори ингичка ичакнинг барча қаватларидаги тўқима элементларининг морфологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатди (3-4-расмга қаранг).



3-расм. АД шароитида «Омайт 57Э» пестициди билан захарланишнинг 30 кун. Сероз ва мушак қаватидаги микроқонтомирлар нотекис кенгайган ва эгри-бугри ҳолатда. В.В.Куприянов бўйича кумуш нитрат билан импрегнация. X:9x20.



4-расм. АД шароитида «Суми-альфа» пестициди билан захарланишдан кейинги 90 кун. Кам ва томирсиз зоналар, боши берк ҳолда тугаган капиллярлар, шунингдек ўзанлар қайд этилади. Герот массаси. X:7x9.


Диссертациянинг «Аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан сурункали захарланишида ингичка ичак тўқима тузилмалари ва гемомикроциркуляр ўзанининг морфологик ҳолати» деб номланган бешинчи боби ҳам 4 бўлимдан ташкил топган. Аллоксан диабет шароитида «Омайт-57Э» пестициди билан сурункали захарланишида ингичка ичак тўқима тузилмаларининг морфологик ҳолати. Тажрибанинг 3-кунида ингичка ичак деворларида яллиғланиш-деструктив ўзгаришлар аниқланди.

Сероз-мушак қаватида мушаклараро шиш, томирларнинг нотекис қонга тўлганлиги қайд этилди. Унинг қалинлиги сезиларли катталашган.

Ингичка ичакнинг тадқиқ қилинаётган барча бўлимларидаги шиллик қаватларда ворсинкаларнинг баландлиги, крипталарнинг чуқурлиги камайди. Ушбу маълумотларнинг кўрсатишича АД шароитида «Омайт-57Э» пестициди билан сурункали заҳарланишда каламушлар ингичка ичаги барча бўлим ва қаватларидаги тўқима тузилмаларининг атрофик ўзгаришлар кузатилди. Ушбу патоморфологик ўзгаришлар тадқиқотнинг сўнгги муддатларида ҳам сақланиб қолди.

Аллоксан диабет шароитида «Суми-альфа» пестициди билан сурункали заҳарланишда ингичка ичак тўқима тузилмалари морфологик ўзгаришлар динамикаси. «Суми-альфа» инсектициди билан сурункали заҳарланишнинг илк муддатларида (3-15 кун) ингичка ичакнинг барча қаватларида (айниқса, оч ичак ва ЎИБИ қисмларида) яллиғланиш-деструктив ўзгаришлари кузатилди. Плазмацитар ҳужайралар билан шиш ва инфильтрация қайд этилди. Сероз ва мушак қаватларда булар билан бир қаторда силлиқ мушак тўтамларининг сийраклашиши кузатилди.

Шиллик ости қавати моноклеар элементлар билан инфильтрланиши кузатилди. Шиллик қаватда яққол намоён бўлган ворсинкалар полиморфизми, крипталар бўшлиғининг кенгайиши, эгри-бугри кўринишдаги яллиғланиш-деструктив ўзгаришлар кузатилди. ЎИБИ ва ингичка ичакда яққол намоён бўлган инфильтрация билан строма фибрози қайд этилди. (5-расмга қаранг).



5-расм. Аллоксан диабет шароитида «Суми-альфа» пестициди билан сурункали заҳарланишдан кейинги 30-кун. Крипта стромаси инфильтрланган, қадахсимон ҳужайралар турли боскичларда. Бўёк:Г-Э. X:10x10.

Мазкур ҳужайралар орасида ажратмалар билан тўлган шарсимон шаклдаги қадахсимон ҳужайраларнинг кўп миқдори аниқланди.

Кеч муддатда (30-90 кун) яллиғланиш ўзгаришлари ингичка ичакнинг тўқима тузилмаларидаги атрофик жараёнларнинг ривожланиши билан алмашинди. Барча бўлим ва қаватларда, айнақса, ЎИБИ ва ингичка ичак қисмларда морфометрик кўрсаткичлар сезиларли камайиши ҳолати кузатилди. Шиллик қаватларда кўрсаткичлар камайиши билан бир қаторда, эпителиал ҳужайралар сонининг камайиши қайд этилди. Ворсинкалар баландлиги ва крипталар чуқурлиги турли даражада камайди.


Аллоксан диабет шароитида «Омайт-57Э» пестициди билан сурункали захарланишида ингичка ичакдаги гемомикроциркуляр ўзани қон томирлари морфологик ҳолати. Тажрибанинг дастлабки 3-15 кунлари яллиғланиш-деструктив ўзгаришлар яққол намоён бўлган атрофик жараёнлар билан биргаликда ривожланди. Шиллиқ ости қаватидаги қон томирлари, айниқса, веноз бўлимида эгри-бугри кенгайган.

Шиллиқ қаватида хужайралараро шиш, ворсинкаларнинг апикал қисмида энтероцитлар ядросининг пикнотик ўзгаришлари аниқланди. Микроқонтомирлар деворининг ўтказувчанлиги ортади, бу ворсинкалар стромасига инъекцион массаси чиқиши билан намоён бўлди.

Тажрибанинг 30-60 кунидан сўнг ингичка ичакнинг барча бўлим ва қаватларида, айниқса, ЎИБИ ва ингичка ичак қисмларида декомпенсатор реакция юзага келади. Қон билан тўлган ва кенгайган прекапиллярлар миқдорининг камайиши, микроқонтомирлар тақсимланишида умумий зичликнинг пасайиши қайд этилди. Кўп ҳолларда ярали нуқсонлар эпителий билан қопланади, уларнинг атрофида яққол намоён бўлган фиброз ўчоқлар кузатилади. Бироқ, ворсинка ва крипталарнинг кузатилаётган тузилмавий қайта қурилиши кўп жойларда сақланиб қолди.

Тажрибанинг кеч муддатларида (90 кун) ингичка ичакнинг бутун узунлиги бўйлаб гемомикроциркуляр ўзан ва тўқима тузилмасининг ўзгаришлари ривожланиши кузатилди. Энтероцитлар умумий сонининг камайиши, баъзи ворсинка ва крипталарда ядросиз энтероцитлар, шунингдек, уларнинг стромадан ажралиб чиқиши қайд этилди.

Аллоксанли диабет шароитида ингичка ичак гемомикроциркуляр ўзани қон томирларининг морфологик ҳолатига «Суми-альфа» пестицидининг таъсири. Кузатишларнинг 60-90 кунида, микроқонтомирлар тақсимланишининг нисбий зичлиги камайиши давом этди, шунингдек, деворининг қалинлашиши, артериола ва прекапиллярлар бўшлиғи диаметрларининг камайиши кузатилди. Шиллиқ қаватда кўплаб «кам томирли» ва «томирсиз» зоналар қайд этилди. Гемомикроциркуляр ўзаннинг веноз бўлим қон томирлари кенгайган ҳолатда қолди. Гемомикроциркуляр ўзан қон томирларининг бундай ҳолати барча қаватларнинг қалинлиги камайишига олиб келди. (6-расмга қаранг)



6-расм. АД шароитида «Суми-альфа» пестициди билан сурункали захарланишдан кейинги 90-кун. Капиллярлар ва посткапиллярлар турли ҳолатда. В.В.Куприянов бўйича кумуш нитрат билан импрегнация. X:600

Демак, олиб борган тадқиқотларимиз натижаларига кўра, артериал бўғим қон томирлари бўшлиғи диаметри ва томирларнинг тарқалиш зичлигининг камайиши, «кам» ва «томирсиз» зоналар майдонининг ортиши, веноз димланиш ҳолатлари ингичка ичакнинг девори барча қаватларида тўқима тузилмаларида чуқур атрофик жараёнлари ривожланишига сабаб бўлди.

ХУЛОСАЛАР

«Ингичка ичакнинг аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан заҳарланганда морфологик тавсифи» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар берилди:

1. Аллоксан диабет шароитида «Омайт-57Э» ва «Суми-альфа» пестицидлари билан ўткир заҳарланишда муайян гемодинамик ва тўқима ўзгаришлари юзага келди. «Суми-альфа» пестициди билан заҳарланишда яққолроқ намоён бўлган ингичка ичак девори тўқима тузилмалари ва микроциркуляр ўзан қон томирларида яллиғланиш-деструктив ўзгаришлар ривожланиши билан тавсифланди. Бу жараёнлар турғунлиги 60 кунгача давом этди. Бунда қайта тикланиш жараёнлари турлича бўлиб, «Омайт-57Э» билан заҳарланишда қисман қайд этилди.

2. Аллоксан диабет шароитида пестицидлар билан ўткир заҳарланишда микроқонтомирлардаги патоморфологик ўзгаришлар динамикаси ингичка ичак тўқима тузилмаларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ равишда кечди. Микроқонтомирлар тарқалиш зичлиги ва томирлар бўшлиғи диаметри морфометрик кўрсаткичлари ўзгариши мазкур аъзонинг тўқима тузилмаларидаги ўзгаришлар билан бирга кечди.

3. Пестицидлар билан сурункали заҳарланиш ингичка ичак қон томирларида чуқур бузилишларга олиб келди. Микроқонтомирлардаги склеротик ва деструктив ўзгаришлар, ингичка ичак деворларининг барча қаватлари тўқима тузилмаларида атрофик жараёнлар ривожланишига олиб келди.

4. Ўткир ва сурункали заҳарланишларда ингичка ичак қон томир-тўқималаридаги патоморфологик ўзгаришларнинг намоён бўлиш даражаси мазкур пестицидларнинг таъсир характери ва аллоксан диабетидеги қон томирлардаги ўзгаришлар чуқурлиги даражаси билан боғлиқ бўлди.

5. Ингичка ичак деворининг барча қаватларида тўқима тузилмалари ва гемомикроциркуляр ўзан қон томирлари ўзгаришлари ингичка ичакнинг айниқса ўн икки бармоқли ичак ва оч ичак қисмлари шиллиқ қаватларида яққолроқ намоён бўлди.

6. Аллоксан диабет шароитида «Суми-альфа» пестициди билан заҳарланишда ингичка ичак деворининг тўқима тузилмалари ва гемомикроциркулятор оқимида қайтмас патоморфологик бузилишлар тез ривожланди. Бу жараёнлар пестициднинг заҳарлилик ва кумулятив хусусиятлари билан боғлиқ бўлди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.30.03 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ
МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ТАВАШАРОВ БАХОДИР НАЗАРОВИЧ

**МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ТОНКОЙ
КИШКИ ПРИ ИНТОКСИКАЦИИ ПЕСТИЦИДАМИ
НА ФОНЕ АЛЛОКСАНОВОГО ДИАБЕТА**

14.00.02 – Морфология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан В2019.2.PhD/Tib836.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии

Автореферат диссертации на двух языках узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Сагатов Туляган Агзамович

доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ахмедов Шавкат Махмудович

доктор медицинских наук, профессор

Тўхтаев Қодир Раҳимович

доктор медицинских наук, профессо

Ведущее учреждение:

Бухарский государственный медицинский институт

Защита состоится «_____» _____ 2019 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии (Адрес 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел/факс: +99871-150-78-25, e-mail : tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за №____). (Адрес: 100109, г.Ташкент, улица Фароби, 2. Тел//факс: +99871-150-78-25).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2019 года

(реестр протокола рассылки №_____ от «_____» _____ 2019 года).

Г. И. Шайхова

Председатель Разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н. Ж. Эрматов

Ученый секретарь Разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

Ф.Х.Азизова

Председатель научного семинара при Разовом Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день охрана экологического здоровья населения является одной из актуальных проблем мирового масштаба. Большинство загрязняющих окружающую среду веществами являются пестициды, без которых трудно представить развитие будущего сельского хозяйства. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «... ежегодно в мире от 500 000 до 2 миллионов человек отравляются пестицидами, и 40 000 из них умирают от него...»¹. В настоящее время использование фосфорорганических и хлорорганических пестицидов запрещено или ограничено и заменено такими пестицидами, как пиразолы, пиретроиды и другими классами пестицидов. Было определено, что их преимущество заключается в относительно низкой токсичности для людей и животных и высокой эффективности против вредителей даже в малых дозах. В то время, как пестициды используются для повышения урожайности в мировом сельском хозяйстве, одной из основных задач является разработка мер по предотвращению негативных последствий, вызываемые пестицидами.

Во всем мире проводится ряд исследований для изучения морфологического состояния тонкой кишки, отравленной пестицидами. Приоритетом научных исследований остается оценка гигиенической характеристики использования пестицидов в сельском хозяйстве, динамическая оценка уровня загрязнения объектов окружающей среды, изучение количественного уровня влияния пестицидов на организм человека и оценка методов их применения. Определение характера отравления на экспериментальных животных при однократном и $\frac{1}{2}$ LD₅₀ многократном введении в тонкую кишку пестицидов, имеющих различные уровни влияния, оценка геомикроциркуляторного русла тонкой кишки и морфологических свойств тканей, а также разработка методов лечения, направленных на профилактику их влияния на тканевую структуру тонкой кишки и гемоциркуляторное русло при остром и хроническом отравлении акарицидами и инсектицидами на фоне аллоксанового диабета (АД), считаются одной из серьезнейших проблем медицины, требующих решения.

Развитие медицинской системы страны направлено на приведение медицинской системы в соответствие с международными стандартами, в целях предотвращения разрушения морфологических структур в органах и тканях в результате отравления пестицидами и уменьшения хронических заболеваний в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» поставлены такие задачи как «...повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи, поддержку здорового образа жизни и профилактику заболеваний, в том числе путем формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения, эффективных моделей патронажа и диспансеризации».

¹ВОЗ Основные показатели здоровья в европейском регионе ВОЗ, 2014 год.

Выполнение этих задач позволит снизить показатель смертности в результате возникновения токсических осложнений за счет улучшения использования современных технологий при диагностировании, лечении, оказании высококачественной медицинской помощи и сокращения числа хронических заболеваний, вызванных отравлением пестицидами среди населения.

